

Ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик

Ҳозирги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишини таъминлаш, фуқаролик жамияти қуриш, ўз йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси бўлиб ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши шахснинг, ҳуқуқ-тартибот ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат ва унинг органлари билан вужудга келадиган муносабатларини, инсоннинг ҳаёти учун жуда муҳим бўлган соҳаларига аралашувлардан сақланишини таъминлашга қаратилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига уларнинг ўзидаги мавжуд восита ва усуллар орқали инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик белгиловчи 219-моддасида ўзига берилган қонуний вазифаларини бажараётган ҳокимият вакилининг қонун нормалари билан муҳофаза этилишини, унинг ўз ваколатлари ва мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тақиқланиши белгиланган.

Ушбу нормага асосан ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатишнинг ижтимоий хавфли-лиги хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш ёхуд уларни ўз хизмат вазифаларини ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбурлаш натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёрга фаолият юритишини, фуқароларнинг ҳавфсизлигига таҳдид остига қўйишда намоён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда жамият ва давлат манфаатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёрга фаолият юритиши, ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга қаршилик кўрсатиш ҳисобланади.

Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга

қаршилик кўрсатиш жиноятининг зарурий белгиси сифатида жиноятнинг жабрланувчиси, яъни хизмат вазифасини бажараётган шахс тушунилади.

Ҳокимият вакили яъни ўзига хизмат бўйича қарам бўлмаган шахсларга нисбатан қонуний тартибда бошқарув ваколатлари берилган мансабдор шахс тушунилса, фуқаровий бурчини бажараётган шахс эса, давлат ҳокимияти ёки бошқарув органларига, жамиятга, ёрдам бераётган ўзининг конституциявий ёки бошқа қонуний бурчларини бажараётган ҳар қандай шахслардир.

Ушбу норма юзасидан хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар, шунинг-дек хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилини қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки шахсни фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, ёки қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишида ифодаланадиган қилмишлар жиноят деб топилади.

Бу каби ҳолатлар юзасидан ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятининг келиб чиқиш манбалари ва асосий сабабларидан бири бўлиб фуқароларнинг ушбу жиноят юзасидан ҳуқуқий билимлари ва етарлича маълумотга эга эмасликлари сабаб бўлмоқда.

Шундай экан юқоридаги каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклифларни амалиётда татбиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва ривожлантириш борасида Оммавий ахборот воситаларида, таълим муассасаларида, ўқиш ва иш жойларида, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот масаласига алоҳида ва жиддий эътиборни қаратиш, тарғибот-ташвиқот ишларини сифатли ўтказиш чораларини кўришнинг янгича замонавий усуллари-дан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибини жорий этиш;

Иккинчидан, ўз навбатида ички ишлар органлари ходимларининг касб ва муомала маданиятини янада шакллантириш, бу борада ходимлар билан алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориш ва ички ишлар ходимига хос бўлмаган ҳаракатлар содир этишдан ва фуқаролар билан қўпол муомалага киришишдан доимий тийилиш лозимлигини сингдириш ва бу кабиларни доимий равишда хизмат йўриқнома-ларида ва кўрсатмаларда етказиб борилишини йўлга қўйишни ташкил этиш ва ривожлантириш;

Учинчидан, ички ишлар органлари ходимлари ўз вазифаларини бажариш чоғида ва бошқа тезкор вазиятларда ўқотар қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш уларни қўллаш борасида ҳам доимий тушунтиришларни олиб бориш ва ходимларнинг касб малака-сини профессионал даражага кўтариш чораларини кўриш ва уларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш тартибини жорий этиш ҳамда янги босқичларга кўтариш чора тадбирларини амалга ошириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Л. Ю. "НЕГОСУДАРСТВЕННАЯ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ." Актуальные проблемы борьбы с преступлениями и иными правонарушениями 20-1 (2020): 74-76.
2. Югай, Людмила. "Совершенствование института адвокатуры в контексте конституционных реформ." Общество и инновации 4.8/S (2023): 1-9.